

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

БОБОҚУЛОВА ОЙГУЛ СОАТОВНА

**КАРАУМБЕТ ВА БОРСАКЕЛМАС КЎЛИ ХОМ АШЁЛАРИНИ ҚАЙТА
ИШЛАБ МАГНИЙ ОКСИД, ГИДРОКСИД ВА НАТРИЙ СУЛЬФАТ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Бобоқулова Ойгул Соатовна

Караумбет ва Борсакелмас кўли хом ашёларини қайта ишлаб магний оксид, гидроксид ва натрий сульфат олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Бобоқулова Ойгул Соатовна

Разработка технологии переработки сырьевых ресурсов озер Караумбет и Барсакельмес на гидроксид, оксид магния и сульфат натрия 21

Bobokulova Oygul Soatovna

Development of technology for processing the raw resources of the lakes Karaumbet and Barsakelmes to hydroxide, magnesium oxide and sodium sulfate..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

БОБОҚУЛОВА ОЙГУЛ СОАТОВНА

**КАРАУМБЕТ ВА БОРСАКЕЛМАС КЎЛИ ХОМ АШЁЛАРИНИ ҚАЙТА
ИШЛАБ МАГНИЙ ОКСИД, ГИДРОКСИД ВА НАТРИЙ СУЛЬФАТ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Т167 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Мирзакулов Холтура Чориевич техника фанлари доктори, профессор
Расмий опонентлар:	Сейтназаров Атаназар Рейпназарович техника фанлари доктори, катта илмий ходим Каипбергенов Атабек Тулепбергенович техника фанлари доктори
Етакчи ташкилот	Наманган муҳандислик-технологияси институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «03» май 2018 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: ionxanguz@mail.ru).

Диссертацияси билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (13-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60).

Диссертация автореферати 2018 йил «21» апрел куни тарқатилди.
(2018 йил «21» апрел даги 13- рақамли реестр баённомаси).

Б. С. Закиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С.Салиханова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

Тухтаев С.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.
профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда илмий ҳажмдор ва нанотехнологиялар ривожланиши билан бир қаторда алоҳида тозалikka эга бўлган турли бирикмаларга талаб ҳам ортиб боради. Бу борада магний бирикмалари, хусусан магний оксид алоҳида ўрин тутади. Шу билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришнинг магний оксид, шунингдек магний гидроксидга талабини таъминлаш бутун дунё олимлари тадқиқотларининг асосий йўналиши ҳисобланади. Магний гидроксид нафақат магний оксид олиш учун хомашё ҳисобланади, балки маҳсулот ҳисобланиб, уни магнийнинг турли хил тузлари ва керакли бирикмаларига қайта ишлаш мумкин. Шунинг учун ишлаб чиқаришни юқори тозаликдаги магний гидроксид ва магний оксид билан таъминлаш илм-фан олдида турган устувор вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда мавжуд хомашё манбалари, тузли кўллар сувлари, денгиз сувлари, табиий чўкиндиларни ишлаб чиқаришга қамраб олган ҳолда тоза тузлар, магний оксид ва гидроксидлари олиш технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Рапалар ва қуруқ аралаш тузларни қайта ишлаш технологиясини яратишда қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тегишли илмий ечимларни асослаш зарур: рапа ва қуруқ аралаш тузлардан магний хлориднинг йўлдош кўшимчалардан тозаланган тўйинган эритмаларини олиш, тозаланган эритмаларни магний оксид ва гидроксидга, қуруқ аралаш тузлардан ажратиб олинган мирабилитни юқори тозаликдаги натрий сульфатга қайта ишлашнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш, рапалардан магний оксид ва гидроксид, Тумрук кони мирабилитидан ва қуруқ аралаш тузлардан юқори тозаликдаги натрий сульфат олиш ва дистиллер суёқлигини утилизация қилишнинг самарали технологияларини яратиш ҳисобланади.

Республикамизда кенг миқёсдаги аниқ чора-тадбирларни амалга оширилиш натижасида магнийли хомашё манбаларини қайта ишлаш технологияларини ривожлантириш ва саноат ишлаб чиқаришини магнийли бирикмалар билан таъминлаш бўйича илмий-тадқиқотларнинг юқори натижаларига эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш» га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан Караумбет ва Борсакелмас кўлларининг рапалари ва Караумбетнинг қуруқ аралаш тузларидан магний оксид ва гидроксидлари, Тумрук кони мирабилитидан ва дистиллер суёқлигини утилизация қилиб тоза номақоб олиш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-

тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник ва патент адабиётларида магнийли хомашё манбаларини гидроксид, бишофит ва бошқа магний бирикмаларига қайта ишлаш бўйича катта ҳажмдаги илмий материаллар ва усуллар мавжуддир. Хлорид-сульфатли эритмаларни қайта ишлаш масалалари билан Курнаков Н.С., Валяшко М.Г., Лепешков И.Н., Бергман А.Г., Здановский А.Б., Денс-Литовский А.И., Хожамамедов А.В., Кульмаксимов А.Х., Мирзақулов Х.Ч., Тожиев Р.Р. ва бошқалар шуғулланишган.

Ҳар бир табиий минерал хомашё манбалари хилма-хил ва ўзига хос тавсиф ва таркибга эга бўлади, бир-биридан фарқланади. Бу эса ҳар бир турдаги хомашё учун қайта ишлашда иқтисодий самара берадиган алоҳида илмий ва технологик ёндошувни талаб этади. Жаҳон амалиётидаги маълум бўлган технологияларни Караумбет тузли қолдиқлари ҳамда Караумбет ва Борсакелмас рапаларини қайта ишлаш учун татбиқ этиб бўлмайдиган, чунки хомашё таркиби ва қўшимчалар миқдори бўйича кескин фарқ қилади.

Адабиётларда қуруқ аралаш тузлар ҳамда Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларининг таркиби, уларнинг захираси бўйича геолого-минералогик маълумотлар, натрий сульфат, натрий хлорид ва бишофит олиш мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд, лекин уларни комплекс қайта ишлашнинг илмий аспекти ва технологик масалаларига умуман эътибор қаратилмаган. Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларининг таҳлилига асосан натрий хлорид ва магний хлориднинг нисбатан тўйинган эритмасини олиш учун буғлатадиган ҳавзалар миқдори ва сони ҳисоблаб чиқилган. Лекин, олинандиган эритмани магний оксид ва гидроксидга қайта ишлаш бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

Адабиёт манбаларида аралаш тузлар эритмаларини йўлдош туз ва аралашмалардан тозалаш, эритмани сульфатлардан тозалаш учун «Қўнғирот сода заводи» УК дистиллер суюқлигидан фойдаланиш бўйича маълумотлар умуман келтирилмаган, қуруқ аралаш тузлардан магний оксид ва гидроксид ҳамда юқори тозаликдаги натрий сульфат олиш жараёни ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-

тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий тадқиқот режасининг А-6-274. «Қорақалпоғистон Республикаси Караумбет кўли рапасини комплекс қайта ишлаш» (2006-2008 йй.), А12-ФК-0-13976 «Тумрук кони мирабилитидан натрий сульфат ишлаб чиқаришни тажриба-саноатда ўзлаштириш ва самарали технологиясини яратиш» (2013-2015 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар ва ИД-2-003. «Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларидан натрий хлорид, натрий сульфат, магний хлорид ва магний оксид ишлаб чиқаришни тажриба-синовларини ўзлаштириш» (2009-2010 йй.) ҳамда И-2015-7-3 «Тумрук кони мирабилити асосида натрий сульфат ишлаб чиқариш технологиясини жорий этиш» (2015-2016 йй.) мавзуларидаги инновация тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапалари ва Караумбет куруқ аралаш тузларини магний оксид ва гидроксидга, Тумрук кони мирабилитини олий навли натрий сульфатга, сода ишлаб чиқариш чиқиндисини – дистиллер суюқлигини утилизация қилиб комплекс қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

рапа, куруқ аралаш тузлар, мирабилит ва дистиллер суюқлигини кимёвий ва тузли таркибинини ўрганиш;

Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларидан магний гидроксидни натрий ва калций гидроксид билан чўктириш усули билан олиш жараёнини тадқиқ қилиш;

Караумбет куруқ аралаш тузларини сувда эритиш жараёнларини ўрганиш, мирабилит ажратиш олиш мақбул технологик параметрларини аниқлаш;

Караумбет куруқ аралаш тузлари эритмаларини дистиллер суюқлиги билан сульфатлардан тозалаш жараёнини тадқиқ қилиш;

магний гидроксидни дастлабки тозалаш, чўктириш, ажратиш олиш, куритиш ва магний оксид олиш жараёнларини тадқиқ қилиш;

Тумрук кони мирабилитини юқори тозаликдаги натрий сульфатга қайта ишлаш жараёнини тадқиқ қилиш;

дистиллер суюқлигини натрий сульфат, рапа ва куруқ аралаш туз билан тозалаш жараёнини тадқиқ қилиш;

рапа ва куруқ аралаш тузлардан магний оксид ва гидроксид, Тумрук кони мирабилитидан натрий сульфат ишлаб чиқаришни, дистиллер суюқлигини тозалашнинг технологик схемаларини яратиш, моддий балансини тузиш, дастлабки техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш;

ишлаб чиқилган рапа ва Караумбет куруқ аралаш тузларни қайта ишлаб магний гидроксид ва оксид, Тумрук кони мирабилитидан олий навли натрий сульфат олишнинг, дистиллер суюқлигини тажриба-саноат ва саноат шароитида тозалашнинг комплекс технологиясини апробациядан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапалари, Караумбет куруқ аралаш тузи, Тумрук кони мирабилити, сода заводи

чиқиндиси - дистиллер суюқлиги, натрий сульфат, каустик ва кальцинирланган сода, кальций сульфат, галит, магний оксиди ва гидроксиди ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети магний оксид ва гидроксид ҳамда юқори тозаликдаги натрий сульфат олиш технологиялари, қуруқ аралаш тузлар эритмаларини йўлдош қўшимчалардан ва дистиллер суюқлигини кальцийдан тозалаш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, физик-кимёвий, рентгенографик, ИК-спектроскопия, термографик таҳлил усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бора бир пайтнинг ўзида сода ишлаб чиқариш чиқиндиси – дистиллер суюқлигини утилизациялаш йўли билан Караумбет кўли қуруқ аралаш тузларини магний оксид ва гидроксид ҳамда натрий сульфатга комплекс қайта ишлаш усули ишлаб чиқилган;

Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапалари, Караумбет қуруқ аралаш тузларини магний оксид ва гидроксидга, Тумрук кони мирабилитини натрий сульфатга, номакоб олиш билан калцинацияланган сода саноатига яроқли дистиллер суюқлигини тозалаш комплекс қайта ишлашни усуллари яратилган;

Караумбет қуруқ аралаш тузларидан тоза эритмалар олиш, тозаланган рапа ва қуруқ аралаш туз эритмаларидан натрий ва кальций гидроксиддан фойдаланиб магний гидроксид ва оксид олишнинг оптимал технологик параметрлари аниқланган;

тайёр маҳсулот натрий сульфатни Тумрук кони мирабилитидан юқори унумда олиниши аниқланган;

Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапалари ва Караумбет қуруқ аралаш тузларидан магний оксид ва гидроксид, Тумрук кони мирабилити ва ажратилган қуруқ аралаш тузларини юқори тозаликдаги натрий сульфатга қайта ишлаш, натрий хлорид эритмаси олиш билан дистиллер суюқлигини тозалашнинг технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

магний оксид ва гидроксид ҳамда натрий сульфат ишлаб чиқаришга маҳаллий хомашё сифатида Караумбет ва Борсакелмас конларининг рапалари ва қуруқ аралаш тузларини қамраб олиш мумкинлиги очиб берилган;

Караумбет ва Борсакелмас конлари тозаланган рапалари ва қуруқ аралаш тузларини бир пайтнинг ўзида йўлдош маҳсулотлар – гипс, бўр, мирабилит олиш билан магний оксид ва гидроксидга қайта ишлашнинг илмий асосланган, комплекс ва самарадор технологияси ишлаб чиқилган;

қуруқ аралаш тузлардан ажратиб олинган мирабилит ва Тумрук кони табиий мирабилитини юқори тозаликдаги натрий сульфатга қайта ишлаш технологияси яратилган;

«Farg'onaazot» АЖда Караумбет ва Борсакелмас кўли рапаларини магний оксид ва гидроксидга қайта ишлаш технологияси синовдан

ўтказилди;

«Сульфат натрий» МЧЖ ҚК юқори тозаликдаги натрий сульфат олиш технологияси татбиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Фойдаланилган кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари тажриба-саноат ва саноат қурилмаларида синовдан ўтказилганлиги билан тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакат иқтисодиёти учун зарур бўлган импорт ўрнини босадиган кимёвий маҳсулотлар – магний оксид ва гидроксид ҳамда олий навли натрий сульфат ишлаб чиқаришга Караумбет ва Борсакелмас конлари рапалари ва қуруқ аралаш тузларни қамраб олиш учун асос яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Караумбет ва Борсакелмас конлари рапалари ва қуруқ аралаш тузларини комплекс қайта ишлаш технологиясини яратилганлиги, натрий сульфат олиш технологиясини такомиллаштирилганлиги ва сода ишлаб чиқариш чиқиндиси – дистиллер суюқлигини утилизацияланиши билан аниқланади. Рапа тозаланган эритмалари ва қуруқ аралаш тузлардан натрий ва кальций гидроксидлари билан нейтралзация қилиб магний гидроксид олиш мумкинлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини ва Караумбет қуруқ аралаш тузларни магний оксид ва гидроксид ҳамда Тумрук кони мирабилитини юқори квалификациядаги натрий сульфатга комплекс қайта ишлаш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таркибида натрий ва магнийнинг хлорид ва сульфатлари бўлган табиий номакобни қайта ишлаш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 04526). Натижада рапалар ҳамда қуруқ аралаш тузлар сульфат-хлоридли эритмаларидан натрий ва кальций гидроксидлари билан чўктириш орқали магний гидроксид олиш имконини берган;

Караумбет ва Борсакелмас кўллалари тозаланган рапалари, қуруқ аралаш тузлардан магний оксид ва гидроксид олиш технологияси «Farg'onaazot» АЖда амалиётга жорий этилган (“Ўзкимёсаноат” акционерлик жамиятининг 2018 йил 6 апрелдаги № 03-351/А сонли маълумотномаси). Натижада сульфат-хлорид эритмасидан магний гидроксиднинг ҳосил бўлиш даражаси натрий гидроксид иштирокида 98,2% дан кам бўлмаган, ҳамда кальций гидроксид иштирокида 95% дан кам бўлмаган магний гидроксид ҳосил бўлиш имконини берган;

Тумрук кони табиий мирабилитидан ва қуруқ аралаш тузлардан ажратиб олинган мирабилитдан юқори унум билан чиқадиган маҳсулот олий навли натрий сульфат олиш технологияси «Сульфат натрий» МЧЖ ҚКда амалиётга жорий этилган (“Ўзкимёсаноат” акционерлик жамиятининг 2018 йил 6 апрелдаги № 03-351/А сонли маълумотномаси). Натижада импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп кимёвий маҳсулот олиш, саноатни қимматбаҳо

кимёвий хомашё билан таъминлаш, валюта захирасини тежаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 6 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган ва 1 та ЎЗР Давлат патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, ҳимояга олиб чиқилган асосий натижалар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Магний бирикмалари ишлаб чиқариш ва кўлланилиш соҳасининг ҳозирги замондаги ҳолати**» деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳи ҳисобланади, магний бирикмалари табиий хомашё ресурсларининг тавсифи, хомашё базасидан фойдаланишнинг ҳозирги пайтдаги ва келажакдаги ҳолати келтирилган. Магний оксид ва гидроксид ҳамда натрий сульфат олиш масалаларига бағишланган илмий ишлар ва патент материаллари кўриб чиқилган.

Чоп этилган илмий ишлар таҳлиллари асосида мазкур ишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Кўйилган мақсадга эришиш учун ишда бошланғич хомашё сифатида Караумбет қуруқ аралаш тузлари, Караумбет ва Борсакелмас кўлларининг тозаланган рапалари ва «Қўнғирот сода заводи» УК дистиллер суюқлигидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг кимёвий ва физик-кимёвий усуллари**» деб номланган иккинчи боби ишда фойдаланилган бошланғич хомашё манбалари, тадқиқотни ўтказиш усуллари ва кимёвий таҳлиллар услубларига бағишланган.

Диссертациянинг «**Караумбет ва Борсакелмас рапаларидан ва Караумбет қуруқ аралаш тузлардан магний оксид ва гидроксид олиш жараёнларининг тадқиқи**» деб номланган учинчи боби магний тузлари конларининг геолого-минералогик тавсифи, уларнинг захирасига бағишланган. Караумбет кўлининг саноат ишлаб чиқаришига тааллуқли захирасларини галитли ва қуруқ аралаш тузлар ташкил этади. Қуруқ аралаш тузлар 754 минг т натрий хлорид, 2452 минг т натрий сульфат, 613 минг т магний хлориддан иборат. Кристаллараро рапалар захираси 1506,3 минг

тоннани, ундан 504,07 минг тоннаси галитли тузларга ва 1002,23 минг тоннаси магний хлорид ва сульфат тузлари аралашмасига тўғри келади. Караумбет рапаси ва куруқ аралаш тузлардаги магний хлориднинг умумий захираси 700 минг тоннани ташкил этади.

Борсакелмас ва Караумбет кўли рапаси таркибида магний хлоридни умумий захираси 3,5 млн. тоннадан кўпроқни ёки магний оксиди ҳисобида Борсакельмас кўли рапаси таркибида 1,1 млн. т ва Караумбет кўли рапаси таркибида эса 300 минг тоннадан кўпроқни ташкил этади.

Тадқиқот учун таркибида (оғ. %): NaSO_4 – 60,69; NaCl – 18,81; MgCl_2 – 15,30; MgSO_4 – 0,42; CaCl_2 – 0,31; э.қ – 3,98; қолгани H_2O бўлган куруқ аралаш тузлар намуналари олинди, уларнинг таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Караумбет ва Борсакелмас кўллари бошланғич рапалари ҳамда дистиллер суюқлигининг кимёвий ва тузли таркиби

Номланиши	Кимёвий таркиби, оғ. %					Тузли таркиби, оғ. %			
	Na^+	Mg^{2+}	Ca^{2+}	Cl^-	SO_4^{2-}	MgCl_2	NaCl	CaCl_2	MgSO_4
Караумбет рапаси	8,08	3,15	0,018	17,67	5,41	6,98	20,55	0,05	6,78
Борсакелмас рапаси	10,25	1,33	0,011	18,13	2,13	4,09	23,08	0,03	2,67
Дистиллер суюқлиги	2,18	0,007	3,03	8,74	0,03	0,028	5,54	8,41	0,04

Магний гидроксид олиш бўйича тадқиқотлар 25°C ҳароратада, 10 минут давомида мунтазам аралаштириб турган ва 120 минут давомида тинч қолдирилган ҳолда натрий ва кальций гидроксидлари билан Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини сульфат ва кальций қўшимчаларидан олдиндан тозаланган эритмаларида ўтказилди. Магний гидроксид ҳосил бўлишига натрий ва кальций гидроксидларининг меъёри 95 дан 110% чегарасида олинди.

Магний гидроксидни чўктириш учун керак бўладиган натрий ва кальций гидроксидларининг оптимал меъёри стехиометрияга нисбатан 100-105% ҳисобланади. Бунда магнийнинг чўкиши натрий гидроксид билан чўктирилганда 98,16-99,41% ни ва кальций гидроксид билан чўктирилганда 97,11-98,15% ни ташкил этади. Натрий ва кальций гидроксидлари меъёрининг 100% дан камайиши магний гидроксид чўкиш даражасининг 72,14-75,12% гача камайишига олиб келади (2-жадвал).

Натрий гидроксид меъёри ортиши билан эритма бўйича ҳам, чўкма бўйича ҳам филтрлаш тезлиги ортади ва 25°C ҳароратда натрий гидроксид меъёри 105% бўлганда эритма ва чўкма бўйича мувофиқ ҳолда 725,21 ва 75,80 $\text{кг}/\text{м}^2\cdot\text{с}$ ни ташкил этади. Эритма ва куруқ қолдиқ бўйича филтрлаш тезлиги 20°C ҳароратда 625-725 $\text{кг}/\text{м}^2\cdot\text{с}$ ва 40-60 $\text{кг}/\text{м}^2\cdot\text{с}$ ни ҳамда 60°C ҳароратда 1700-1900 ва 180-222 $\text{кг}/\text{м}^2\cdot\text{с}$ ни ташкил этади.

Центрифугалашда фазаларни ажратиш етарлича тез содир бўлади. Нисбатан жадал центрифугалаш дастлабки 6 минутда содир бўлади. Бунда 6 минутдан сўнг С:Қ 1:8 ни, чўкиш даражаси эса бошланғичга нисбатан 91,86% ни, мувофиқ ҳолда 10 минутдан сўнг 1:2 ёки 95,66%, 15 минутдан сўнг 1:1 ёки 97,15% ни ташкил этади.

Караумбет куруқ аралаш тузларини қайта ишлашнинг мувофиқ технологияси бўлмаганлиги ва уларни ишлаб чиқаришга камраб олиш мақсадида улар таркиби ва эрувчанлигини аниқлаш ҳамда уларни магний оксид ва гидроксидга қайта ишлаш бўйича тадқиқот ўтказилди.

2 жадвал

Магний гидроксидни чўкиш даражаси ва суюқ фаза таркибига натрий ва калций меёрини таъсири

Меъёр, %	Суюқ фаза таркиби, масс. %					Чўкиш даражаси, Mg(OH) ₂ , %
	Na ⁺	Ca ²⁺	Mg ²⁺	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻	
NaOH билан чўктирилганда						
95	9,73	0,37	0,57	15,88	0,18	75,12
100	10,04	0,37	0,04	16,03	0,18	98,16
105	10,23	0,37	0,01	15,98	0,18	99,41
110	10,42	0,37	0,01	15,92	0,18	99,53
Ca(OH) ₂ билан чўктирилганда						
95	5,56	4,03	0,64	15,94	0,18	72,14
100	5,62	4,26	0,07	16,11	0,17	97,11
105	5,61	4,44	0,04	16,06	0,16	98,15
110	5,59	4,62	0,03	16,01	0,14	98,87

Куруқ аралаш тузнинг максимал эрувчанлиги Қ:С=1:(3-4) да 93,02% ни ташкил этади. Бинобарин, тўйинган эритма олиш учун С:Қ=1:3, ҳароратни 25°C ва жараён давомийлигини 30 минутда ушлаб туриш керак.

Жараён давомийлигининг таъсири бўйича тадқиқот шуни кўрсатадики, 5 минутдан сўнг эриш даражаси 96,33% га, 15 минутдан кейин эса 96,65% га етади, бу куруқ аралаш тузнинг эриши учун 15 минут етарлигини кўрсатади.

Куруқ аралаш туз таркибида 50% дан зиёд мирабилит бўлади. Натрий сульфат миқдорини камайтириш учун тўйинган эритмалар совутилди. +5 ÷ -5°C гача совутилганда натрий сульфат миқдори 15,48% дан 2,23-2,82 % гача камаяди. Қолган компонентлар миқдори ортади. Магний хлорид миқдори 5,54-5,64 % ни ташкил этади. Натрий сульфат ажратилгандан сўнг эритмадаги сульфатларнинг қолдиқ тарзидаги миқдори катта бўлади, уни сульфат ионларидан қўшимча тозалаш сода ишлаб чиқариш чиқиндиси – дистиллер суюқлиги билан амалга оширилди. Сульфатсизлантириш эритмадаги SO₄²⁻ га мувофиқ кальций бўйича дистиллер суюқлиги билан 95, 100, 102 ва 105% меъёр, 25°C ҳарорат ва 30 минутлик сульфатсизлантириш давомийлигида ўтказилди (3-жадвал).


Бунда 100-105% меъёрада SO_4^{2-} миқдори 1,75% дан 0,22-0,24% гача камаяди. Натрий сульфат дистиллер суюқлигининг кальций хлориди билан таъсирлашиб натрий хлорид ва кальций сульфат ҳосил қилади. Натрий хлорид миқдори 8,74-8,84% гача, магний хлорид миқдори эса 3,39-3,46% гача ортади. Дистиллер суюқлигининг меъёри 100-105% бўлганда эритмада натрий сульфат бўлмайди ва озгина миқдорда кальций хлорид пайдо бўлади. Кальций сульфат миқдори 0,31-0,34% ни ташкил этади, бу унинг сувли эритмалардаги эрувчанлигига мувофиқ келади. Сульфатсизлантириш учун дистиллер суюқлигининг оптимал меъёри 100-105% ҳисобланади.

3-жадвал

Қуруқ аралаш тузлар эритмаларининг кимёвий таркиби ва сульфатсизлантириш даражасига дистиллер суюқлиги меъёрининг таъсири

Дист. суюқл. меъ-ёри, %	Суюқ фаза кимёвий таркиби, оғ. %					Суюқ фаза тузли таркиби, оғ. %				Сульфатсизланиш даражаси, %
	Na ⁺	Mg ²⁺	Ca ²⁺	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻	Na ₂ SO ₄	MgCl ₂	NaCl	CaSO ₄	
95	3,72	0,90	0,11	8,08	0,61	0,54	3,52	8,99	0,33	65,14
100	3,46	0,88	0,11	7,94	0,24	-	3,46	8,84	0,34	86,29
102	3,45	0,87	0,14	7,90	0,23	-	3,43	8,80	0,32	86,86
105	3,44	0,86	0,19	7,83	0,22	-	3,39	8,74	0,31	87,43

Саноат ишлаб чиқариш шароитида магний гидроксид олишда натрий ва кальций гидроксидлари сарф меъёрини рН бўйича назорат қилиш осонроқдир. Шунинг учун натрий ва кальций гидроксидлари билан ҚАТ эритмаларидан магний гидроксидни чўктиришда чўкиш даражасига рН муҳитининг таъсири ўрганилди (1-расм).




1-расм. Магний гидроксид чўкиш даражасига рН муҳитининг таъсири.

1-расмдан кўринадики, рН муҳити 8 гача ортганда чўкмага тушадиган магний миқдори 10-12% дан ортмайди. рН 10 дан ортганда бошланғич миқдорига нисбатан 95% дан кўп магний чўкмага ўтади. Магний гидроксидининг максимал чўкиш даражаси рН 10-11 чегарасида кузатилади.

Шундай қилиб, магний гидроксид олишда натрий ва кальций гидроксидларининг оптимал меъёри стехиометрик миқдорга нисбатан 100-105% ёки рН муҳити 10,5-11 ҳисобланади. Бунда таркибида Mg^{2+} –31,31%, Cl^-

– 3,52%, SO_4^{2-} – 0,04%, H_2O – 19,98% бўлган магний гидроксид ҳосил бўлади. Магний гидроксиддан магний оксид олиш 400-800°C ҳароратда ва куйдириш жараёнининг 15-180 минут давомийлигида ўтказилди. Куйдириш ҳарорати 400°C дан 800°C га оширилганда 1 соат давомида магний оксид миқдори магний гидроксидда 56% дан 93,10% гача ортади. Куйдириш жараёни давомийлигининг узайтирилиши магний оксид миқдорининг ортисига олиб келади. Магний оксид олиш оптимал меъёри 700-800°C ҳарорат ва куйдириш давомийлиги 2 соатдан кам бўлмаган вақт ҳисобланади.

Олинган тадқиқот натижалари асосида кальций сульфат дигидратини йўлдош аралашмалардан ажратиб олиш орқали сульфатсизлантириш йўли билан натрий сульфат ажратилгандан сўнг рапалар ва куруқ аралаш тузлардан магний оксид ва гидроксид олишнинг принципиал технологик схемаси ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Магний гидроксид ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси.

Саноат ишлаб чиқариш шароитига мослаштирилган модел қурилмада Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларидан магний гидроксид ишлаб чиқариш бўйича яратилган технология «Farg'onaazot» АЖда синовдан ўтказилди. Тадқиқот учун таркибида (оғ. %): NaCl – 18,81; MgCl_2 – 7,10; MgSO_4 – 4,08; CaCl_2 – 0,024 бўлган рапа ва таркибида (оғ. %): CaCl_2 – 10,82; NaCl – 5,54; CaSO_4 – 0,08; $\text{Ca}(\text{OH})_2$ – 0,11 бўлган «Қўнғирот сода заводи» УК дистиллер суюқлиги ишлатилди.

Диссертациянинг «Олий навли натрий сульфат олиш жараёнининг тадқиқи» деб номланган тўртинчи бобида куруқ аралаш тузлардан олинган мирабилит ва Гумрук кони мирабилитидан олий навли натрий сульфат олиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Илмий-техник тараққиёт ва янги тармоқларнинг ривожланиши натрий сульфат сифатига бўлган талабни оширди. Буни таркибидаги қўшимчалар, хусусан, темир, кальций, хлорнинг синтетик ювувчи воситалар ва махсус

турдаги қоғозлар сифатини кескин пасайтириши билан изоҳланади. Ҳозирги пайтда табиий мирабилитдан чекланган миқдорда ишлаб чиқарилаётган натрий сульфат сифати белгиланган талабга жавоб бермайди.

Қараумбет қуруқ аралаш тузлари эритмаларидан мирабилит кристаллантирилганда эритманинг ҳар бир тоннасидан 200 кг гача мирабилит ажаратиб олинади. Натрий сульфат унуми бошланғич эритмадаги миқдорнинг 81,58-85,43% ни ташкил этади. Қуруқ аралаш тузлар эритмаларидан ажратиб олинган мирабилит Тумрук кони табиий хомашёсига нисбатан анча тоза бўлади.

Мирабилитдан натрий сульфат олиш сифати ва унумини ошириш ҳамда жараёни жадаллаштириш мақсадида қолдиқ айланма эритмани биринчи босқич буғлатилгандан сўнг мирабилит эритиш жараёнига қайтарилди. Лекин, мирабилит эришининг 3-4 циклидан ва натрий сульфат эритмасини буғлатилгандан сўнг қолдиқ эритмадаги қўшимчалар миқдори кескин ортади, улар кейинчалик натрий сульфатни ифлослантиради (4-жадвал).

Тадқиқот учун Тумрук кони мирабилитини сув билан натрий сульфатни ажратиш босқичидаги қолдиқ эритма иштирокида эритилишидан олинган натрий сульфатнинг тўйинган эритмаси ишлатилди. Буғлатишга бериладиган эритма таркибида (оғ. %): Na_2SO_4 – 30,81; MgSO_4 – 0,68; NaCl - 0,38; CaSO_4 – 0,08 бўлади.

4-жадвал

Суюқ фаза кимёвий таркибининг буғлатишдан сўнг қолдиқ эритманинг ишлатиш такрорийлигига боғлиқликда ўзгариши

№	Қолдиқ эритманинг ишлатиш такрорийлиги	Суюқ фаза кимёвий таркиби, оғ. %					Суюқ фаза тузли таркиби, оғ. %			
		Na^+	Mg^{2+}	Ca^{2+}	Cl^-	SO_4^{2-}	Na_2SO_4	MgCl_2	NaCl	CaSO_4
1	Бошланғич	10,10	0,14	0,023	0,19	20,89	30,81	0,68	0,31	0,08
2	Бир қарра	10,12	0,20	0,026	0,31	20,77	30,63	0,98	0,51	0,09
3	Икки қарра	10,10	0,23	0,030	0,37	20,66	30,45	1,13	0,61	0,10
4	Уч қарра	10,08	0,25	0,030	0,41	20,54	30,27	1,24	0,68	0,10
5	Тўрт қарра	10,02	0,27	0,036	0,44	20,42	30,08	1,33	0,73	0,11

Натрий гидроксид ва карбонат эритма тарзида тўртинчи циклдан сўнг буғлатиш босқичидан қайтган қолдиқ эритма билан бир пайтнинг ўзида мирабилитни эритиш босқичига киритилади.

Магний гидроксид ва натрий карбонатни чўкиш жараёнини жадаллаштириш учун 0,1% ли полиакриамид эритмаси ишлатилди. Тўртинчи циклдан сўнг натрий сульфатнинг тўйинган эритмаси таркибида (оғ. %): Na_2SO_4 – 30,08; MgSO_4 – 1,33; NaCl - 0,73; CaSO_4 -0,11 бўлади.

Чўкма ажратилгандан сўнг магний гидроксид ҳосил бўлишига натрий гидроксиднинг 100% меъёрида суюқ фаза таркибига $\text{Ca}:\text{CO}_3$ нисбатининг таъсири 5-жадвалда келтирилган.

Кальций карбонат ва магний гидроксид чўкиши натижасида амалда кальций ва магний тузлари бўлмаган эритма олинади. Агар $\text{Ca}:\text{CO}_3 = 1:0,90$

моль нисбатида озгина микдорда эриган кальций сульфат сақланса, 1:1 ва 1:1,05 нисбатида у бўлмайди.

Кальций карбонат ва магний гидроксид чўкиши жуда тез содир бўлади ва 20-25 минутдан сўнг эритманинг тинилиш даражаси 80-85% га етади. Вакуум қурилмасида қуйилтирилган чўкманинг филтрланиш тезлиги 400 мм. сим. уст. босимда 82 кг/м²·соат дан ортмайди. Чўкмани ажратишни центрифугада ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

5-жадвал

Натрий гидроксиднинг 100% меъёрида суюқ фаза кимёвий таркибига Са:СО₃ моль нисбатининг таъсири

№	Са:СО ₃	Суюқ фаза кимёвий таркиби, оғ. %					Суюқ фаза тузли таркиби, оғ. %			
		Na ⁺	Mg ²⁺	Ca ²⁺	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻	Na ₂ SO ₄	MgSO ₄	NaCl	CaSO ₄
1	-	10,02	0,33	0,032	0,44	21,39	30,08	1,33	0,73	0,11
2	1:0,90	10,15	-	0,003	0,43	20,59	30,46	-	0,71	0,01
3	1:1,00	10,12	-	-	0,42	20,54	30,39	-	0,70	-
4	1:1,05	10,09	-	-	0,41	20,50	30,33	-	0,69	-

Натрий сульфатнинг тозаланган тўйинган эритмасини буғлатиш бўйича тадқиқот 100 °С ҳарорат, 82,16-86,26 кПа қолдиқ босимли вакуум остида ўтказилди. Буғлатиладиган эритмадан 35% сувни 15 минутда йўқотилади ва С:Қ=5:1 нисбатли бўтқа ҳосил қилинади.


50% сувни йўқотиш 55% натрий сульфатни чўкмага ажаратиш ва С:Қ=3:1 нисбатли бўтқа ҳосил бўлишига олиб келади. Буғлатишни бўтқадаги натрий сульфатнинг 60-65% концентрациясигача амалга ошириш мумкин. Унданда юқори концентрацияда бўтқа фазалари қийин ажралади.

Филтрлаш йўли билан бўтқани натрий сульфат чўкмасидан ажратилгандан ва 200°С да қурилгандан сўнг таркибида 99,4% кам бўлмаган натрий сульфат маҳсулоти олинди.

Лаборатория тажрибалари натижаларига асосланган ҳолда Караумбет қуруқ аралаш тузларилан ажратиб олинган мирабилитни юқори сифатдаги натрий сульфатга қайта ишлашнинг принципиал технологик схемаси ва моддий баланси ишлаб чиқилди. Технологик схема 3-расмда келтирилган.

Натрий сульфат олишни таклиф этилаётган усулининг моҳияти қуруқ аралаш тузларни сувда эритиш, сувда эримайдиган қолдиқни ажратиш, тиндирилган эритмани совутиш, мирабилитни филтрлаш, ажратиб олинган мирабилитни сувда ва айланма эритмада эритиш, эритмани тозалаш, натрий сульфатни филтрлаш, уни қуриштириш ва айланма эритмани мирабилитни эритиш босқичига қайтаришдан иборат.

Караумбет қуруқ аралаш тузларидан ва Тумрук кони табиий мирабилитидан олий навдаги натрий сульфат олишнинг моддий оқимлар схемаси ва моддий баланси ишлаб чиқилди.



3-расм. Караумбет куруқ аралаш тузларидан юқори тозаликдаги натрий сульфат олиш принципиал технологик схемаси

Синтетик ювувчи воситалар ишлаб чиқариш учун яроқли олий навдаги натрий сульфат олиш технологияси «Сульфат натрий» ҚҚда синовдан ўтказилди ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. 100 минг тоннадан кўпроқ 90 млрд. сўмлик натрий сульфат ишлаб чиқарилди.

Диссертациянинг «Дистиллер суюқлиги тозаланган эритмаларини олиш жараёнининг тадқиқи» деб номланган бешинчи бобида Караумбет ва Борсакелмас кўли рапаларидан ва Караумбет куруқ аралаш тузларидан ажратилган мирабилитни эритилишидан олинган натрий сульфат эритмаси билан дистиллер суюқлигини кальцийсизлантириш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Кальцийни боғлаш учун сульфат ионлари меъёрининг 75 дан 125% гача, жараён ҳароратининг 20, 40 ва 60°C, аралаштириш давомийлигининг таъсири таъсири ўрганилган.

Куруқ аралаш тузлардан олинган натрий сульфат эритмаси меъёрининг 75 дан 100% гача ортиши 20°C ҳарорат ва жараённинг 30 минут давомийлигида бошланғич суюқликдаги кальций ионларининг 3,03% дан 75% меъёрда 0,74% гача, 90% меъёрда 0,34% гача, 100% меъёрда 0,11% гача камайишига олиб келади. Бунда натрий хлорид миқдори 5,55 % дан 10,60 % гача ортади, сўнгра 125% меъёрда эса 9,67% гача камади.

Бошланғич дистиллер суюқлигида кальций хлорид миқдори 8,4% дан натрий сульфатнинг 100% меъёрида 0,31% гача камади. Натрий сульфат меъёрининг 100% дан ортиши унинг эритмадаги миқдорининг 125% ли меъёрда 1,21% гача ортишига олиб келади. Бунда сульфатлар миқдори меъёрга боғлиқ ҳолда 0,17-0,85% ни ташкил этади.

20°C ҳароратда жараён давомийлигининг 5 дан 30 минутгача узайиши билан декальцинация даражаси 58,76% дан 96,37% гача ортади. Жараён давомийлигининг кейинги 30 дан 180 минутгача узайиши декальцинация даражасининг 2,2% га ортишига олиб келади.

Караумбет кўли рапалари ишлатилганда меъёр ортиши билан кальцийсизланиш даражаси SO_4^{2-} нинг Ca^{2+} га меъёри 90% бўлганда 82,84% дан 110% меъёрда 98,02% гача ортади. Меъёр 100% дан ортганда SO_4^{2-}


микдорининг ортиши ва кальций микдорининг камайиши кузатилади. Суёқ фазада кальций микдорининг камайиши сезиларсиз даражада бўлгани ҳолда сульфатлар микдори кескин ортади. Рапа концентрацияси ортиши билан қолган компонентлар микдори ҳам ортади.

Қуруқ аралаш тузлар ишлатилганда кальцийсизланиш даражаси 100% меъёрда 96,37% ни ташкил этади. Меъёрнинг кейинги оширилиши 110% меъёрда 98,02% гача кальцийсизланиш даражасининг сезиларсиз ортишига олиб келади. Бунда сульфатлар микдори 0,26% дан 0,36% гача ортади, кальций микдори эса 0,11% дан 0,06% гача камаяди. Магний микдори 0,65% га, хлор 13,17% га, натрий 3,61% га етади.

Ҳарорат ортиши билан декальцинация даражаси сезиларсиз камаяди. Масалан, мирабилит ишлатилганда ҳарорат 20 дан 40 ва 60 С гача оширилса декальцинация даражаси 5 минутдан сўнг мувофиқ ҳолда 58,76 %, 55,30 % ва 51,22 % ни, 30 минутдан сўнг 96,37 %, 92,41 % ва 88,45 % ни, 60 минутдан сўнг 97,54 %, 94,42 % ва 89,94 % ни ташкил этади. Декальцинация жараёни ҳароратининг ортиши билан бўтқа бўйича ҳам, чўкма бўйича ҳам филтрланиш тезлиги ортади. Жараён ҳарорати 20°С дан 40 С ва 60 С гача ортганда қуйилтирилган чўкманинг бўтқа бўйича филтрланиш тезлиги мос равишда 2334 кг/м² соат дан 3012 кг/м² ·соат ва 3403 кг/м² ·соат гача ортади. Бунда 178 кг, 208 кг ва 247 кг кальций сульфат дигидрати чўкмаси ҳосил бўлади.

Дистиллер суёқлигини декальцинациялашнинг оптимал шароити: ҳарорат 20-30 °С, кальцийни боғлаш учун сульфат ионининг меъёри 100-105%, 30 минутдан кам бўлмаган аралаштириш давомийлиги ҳисобланади. Бунда декальцинация даражаси 96,37-97,59% ни ташкил этади.

Дистиллер суёқлигини кальций ионларидан тозалаш принцииал технологик схемаси ишлаб чиқилди, моддий оқимлар схемаси ва моддий баланси тузилди, технологик режим меъёрлари келтирилди (4-расм).



4-расм. Дистиллер суёқлигини тозалаш принцииал технологик схемаси.

Технология саноат ишлаб чиқариш шароитига мослаштирилган модель қурилмада синовдан ўтказилган ҳамда 50 кг дистиллер суюқлиги қайта ишланди ва 6,85 кг кальций сульфат дигидрати, 1,25 кг кимёвий чўктирилган бўр ва кальцинирланган сода ишлаб чиқариш учун яроқли бўлган 51 кг намоқоб эритмаси олинди.

ХУЛОСА

Диссертация ишини бажаришда олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Натрий ва кальций гидроксидлари билан тозаланган рапалардан магний гидроксидни чўктириш жараёнининг тадқиқи натрий ва кальций гидроксидларининг меъёри 100-105% бўлса, магний гидроксиднинг чўкиш даражаси натрий гидроксид ишлатилганда 98,2-99,4% ни ҳамда кальций гидроксид ишлатилганда 97,1-98,2% ни ташкил этади.

Натрий гидроксид иеъёри 105% ва ҳарорат 25 °С бўлганда натрий гидроксид меъёри ортиб бориши билан филтрланиш тезлиги эритма ва қуруқ қолдиқ бўйича мувофиқ равишда 725,21 и 75,80 кг/м²·с ни ташкил этади. Ҳарорат ортиши билан филтрлаш тезлиги ортади, бу ҳарорат ортиши билан эритма қовушқоқлигининг ортиши билан боғлиқдир. Асосий модда миқдори магний дигроксидда 98,06% ни, магний оксидда эса 97,02% ни ташкил этади.

2. Караумбет кўли қуруқ аралаш тузларини қайта ишлаш ва асосий компонент тузлар – натрий ва магний хлорид ҳамда натрий сульфатга ажратилиши бўйича тадқиқотлар натижасида 25°С ҳароратда тузларнинг максимал эрувчанлигига С:Қ = (2,5-3):1 да эришилиши ва 91,08-93,02% ни ташкил этиши аниқланди. 25°С ҳарорат ва С:Қ = 3:1 да максимал эрувчанликка 15 минутда, 50°С ҳароратда эса 10 минутда эришилади. Суспензияни тинилиши тез содир бўлади ва 20°С ҳароратда 30 минут ичида тинилиш даражаси 94,59% га ҳамда 40-80°С ҳароратда 95,51% га етади. Қуйилтирилган чўкмани филтрлаш тезлиги бўтқа бўйича 18987-24768 кг/м²·соат ни ташкил этади.

3. Қуруқ аралаш тузлар эритмаларидан натрий сульфатни кристаллантириш бўйича тадқиқотлар қуруқ аралаш тузлар эритмалари +5 ÷ -5 °С ҳароратгача совутилганда натрий сульфатнинг чўкиш даражаси 81,58-85,43% ни ташкил этади, натрий сульфат миқдори 15,31% дан 2,20-2,82% гача камаяди, натрий ва магний хлоридларининг миқдори ортади ва мувофиқ ҳолда 6,61-6,74% ва 5,54-5,64% ни ташкил этади. Қаттиқ фаза бўйича филтрлаш тезлиги 4234-5486 кг/м²·соат ни ташкил этади.

4. Сода ишлаб чиқариш чиқиндиси – дистиллер суюқлигида фойдаланиш йўли билан натрий сульфат кристаллантирилгандан сўнг қуруқ аралаш тузлар эритмасини қолдиқ сульфатлардан тозалаш жараёнлари тадқиқ қилинди. Эритмадаги сульфатлар қолдиқ миқдорига кальций оксиднинг стехиометрик

меъёри 100-102% миқдорида дистиллер суюқлиги киритилганда сульфатлар миқдорини 1,75% дан 0,22-0,23% гача камайтириш мумкинлиги аниқланди.

5. Қуруқ аралаш тузлар эритмасидан ажратиб олинган мирабилитни қайта ишлаш жараёнини ўрганиш натижасида буғлатилгандан ва натрий сульфат ажратилгандан сўнг қолдиқ эритмаларни кўп такрорийликда циркуляцияси натижасида тайёр маҳсулотни ифлослантирадиган кальций, магний ва натрий тузлари билан бойиши аниқланди. Магний гидроксид ҳосил бўлишига натрий гидроксиднинг 100% стехиометрик меъёрида ва кальций оксидни боғлашга натрий карбонатнинг 100-105% меъёрида оҳак-содали усул билан қўшимчалардан тозалаш кальций ва магний бирикмалари бўлмаган эритмалар олишни таъминлайди, натрий хлорид миқдори эса 0,70% дан кўп бўлмайди. Бунда олинган натрий сульфат олий навга мувофиқ келади.

6. Қуруқ аралаш тузлардан ажратиб олинган мирабилит, Караумбет кўли рапалари, қуруқ аралаш тузлари билан дистиллер суюқлиги декальцинацияси бўйича тадқиқотларда дистиллер суюқлигини тозалашнинг оптимал технологик параметрлари аниқланди: кальций ионларини боғлашга натрий сульфат меъёри – 100-105%, ҳарорат – 20-30°C, жараён давомийлиги 60 минутдан кам эмас. Бунда кальцинация даражаси 96,37-97,59% ни ташкил этади. Кальцинирланган сода ишлаб чиқаришга яроқли тозаланган натрий хлорид эритмаси олишнинг принципиал технологик схемаси ишлаб чиқилди ва моддий баланси тузилди.

7. Караумбет ва Борсакелмас рапалари, Караумбет қуруқ аралаш тузларини қайта ишлаш бўйича тадқиқот натижалари магний гидроксиди ва оксиди ҳамда Тумрук кони мирабилитидан олий навли натрий сульфат олиш технологик схемаларини ишлаб чиқиш, моддий балансларини тузиш, технологияни синовдан ўтказишга асос вазифасини бажарди, улар тажриба намуналари ишлаб чиқариш билан «Farg'onaazot» АЖ ва «Қўнғирот натрий сульфат» ХК да мувоффақиятли синовдан ўтказилди. Юқори унум билан олий навли натрий сульфат ишлаб чиқариш технологияси «Сульфат натрий» ҚК МЧЖда жорий этилди.

8. Магний гидроксид, натрий сульфат ва тозаланган дистиллер суюқлик эритмаси ишлаб чиқариш самарадорлиги бўйича дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблар амалга оширилди. 1 тонна магний гидроксиднинг таннархи кальций гидроксид билан олинганда 289,26 минг сўм, натрий гидроксид билан - 2259,43 минг сўмни, чакана нархи эса мос равишда 341,11 минг ва 2316,54 минг сўмни ташкил этади. Йилига 10 минг тонна магний гидроксид ишлаб чиқарилганда мос равишда 4,5 млрд. ва 1,7 млрд. сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилади.

«Сульфат натрий» ҚК МЧЖда 100 минг тоннадан кўпроқ 90 млрд. сўмлик олий навли натрий сульфат ишлаб чиқарилди. Технология юқори самарадор ва энергия тежамкор бўлиб, маҳсулот импорт ўрнини босувчи экспортбоп ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ И ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

БОБОКУЛОВА ОЙГУЛ СОАТОВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПЕРЕРАБОТКИ СЫРЬЕВЫХ
РЕСУРСОВ ОЗЕР КАРАУМБЕТ И БАРСАКЕЛЬМЕС НА
ГИДРОКСИД, ОКСИД МАГНИЯ И СУЛЬФАТ НАТРИЯ**

**02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе
(Технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.2.PhD/T167.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.ionx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:

Мирзакулов Холтура Чориевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сейтназаров Атаназар Рейпназарович
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Каипбергенов Атабек Тулепбергенович
доктор технических наук

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «03» май 2018 г. в «14⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии и Ташкентском химико-технологическом институте (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (зарегистрирована за №13). (Адрес: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60).

Автореферат диссертации разослан «21» апреля 2018 года.
(реестр протокола рассылки № 13 от «21» апреля 2018 года).

Б.С. Закиров

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.х.н.

Д.С. Салиханова

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н.

С. Тухтаев

Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире с развитием наукоемких и нанотехнологий растет потребность в различных химических соединениях. В этом отношении соединения магния, в частности, гидроксид и оксид магния, а также сульфат натрия занимают особое положение. В связи с этим обеспечение промышленности в гидроксиде, оксиде магния и сульфате натрия являются основными направлениями исследований ученых всего мира. Гидроксид магния является сырьем не только для получения оксида магния, но и является продукцией, которую можно перерабатывать на различные соли магния. Поэтому, обеспечение промышленности в гидроксиде, оксиде магния и сульфате натрия высокой чистоты являются приоритетными задачами, стоящими перед наукой.

На сегодняшний день в мире особое внимание уделяется разработкам технологии получения чистых солей гидроксида, оксида магния, сульфата натрия с вовлечением в производство имеющихся сырьевых источников-рассолов соляных озер, морской воды, природных залежей. Для разработки технологии переработки рапы и сухих смешанных солей необходимо обосновать ряд научных решений, в том числе по следующим направлениям: разработка эффективного метода получения очищенных от сопутствующих примесей растворов хлорида магния из рапы и сухих смешанных солей, переработки очищенных растворов на гидроксид и оксид магния, мирабилита Тумрюкского месторождения и мирабилита, выделенного из сухих смешанных солей, на сульфат натрия высшего сорта, разработка технологии получения гидроксида и оксида магния из рапы и сухих смешанных солей, сульфата натрия высшего сорта из мирабилита Тумрюкского месторождения и утилизации дистиллерной жидкости.

В Республике, в результате реализации конкретных, широкомасштабных мер, были достигнуты высокие результаты научных исследований по развитию технологии переработки магнийсодержащих сырьевых источников и обеспечению промышленности магнийсодержащими соединениями. В третьем направлении стратегии развития Республики Узбекистан отмечены важные задачи, направленные на опережающее «развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов». В этом отношении важной задачей является разработка технологии получения гидроксида, оксида магния из рапы озер Караумбет и Барсакельмес и сухих смешанных солей Караумбета, сульфата натрия из мирабилита Тумрюкского месторождения и утилизации дистиллерной жидкости с получением очищенного рассола.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП 4707 от 4 марта 2015 года «О программе мер по обеспечению

структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы» и УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В научно – технической и патентной литературе имеется большой объем научных материалов и способов переработки магнийсодержащих сырьевых источников на гидроксид, оксид магния и другие соединения. Вопросами переработки хлоридно-сульфатных растворов занимались Курнаков Н.С., Валяшко М.Г., Лепешков И.Н., Бергман А.Г., Здановский А.Б., Денс-Литовский А.И., Хожамамедов А.В., Кульмаксимов А.Х., Мирзакулов Х.Ч., Таджиев Р.Р. и др.

Каждый из природных минеральных сырьевых ресурсов является уникальным и имеет специфический характер, а их составы сильно отличаются один от другого. Это требует для каждого вида минерального сырья отдельных научных и технологических подходов, экономически оправданных путей переработки. Известные технологии, существующие в мировой практике, не приемлемы для переработки рапы и солевых отложений озер Караумбет и Барсакельмес, так как последние сильно отличаются по составу и содержанию примесей.

В литературе имеются геолого - минералогические сведения по составу сухих смешанных солей и рапы озер Караумбет и Барсакельмес, их запасах, возможности получения сульфата натрия, хлористого натрия и бишофита, но совершенно не затронуты научные аспекты и технологические вопросы их переработки. На основе анализа рапы озер Караумбет и Барсакельмес были рассчитаны размеры и количество испарительных бассейнов для получения хлористого натрия и более концентрированного раствора хлористого магния в естественных условиях. Однако, сведения о переработке полученных растворов на гидроксид и оксид магния отсутствуют.

В литературных источниках совершенно отсутствуют сведения по очистке растворов смешанных солей от сопутствующих примесей, по использованию дистиллерной жидкости – отхода унитарного предприятия «Кунградский содовый завод» для очистки растворов от сульфатов, не изучены процессы получения гидроксида, оксида магния и сульфата натрия высокой чистоты из сухих смешанных солей.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в рамках

